Темир йўлда юришда имтиёзлар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида темир йўлда юришда имтиёзлар тўғрисида ахборот бериш

Темир йўл чиптасини харид қилиш учун қандай чегирмалар мавжуд?

Бир йилда бир марта икки тарафлама бепул чипта олиш ҳуқуқига эгалар:

- Совет Иттифоқи қаҳрамонлари ва уч тоифада Шон-шухрат ордени билан тақдирланган шахслар;
- I ва II гуруҳдаги уруш ногиронлари, шу шахсларга тенглаштирилган ярадор бўлган ишчилар, ҳарбийлар ва хизматчилар;
- Чернобил авариясини йўқотиш натижасида ногирон бўлганлар (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида);

Болалар учун қандай чегирмалар бор?

Йўловчи 5 ёшгача бўлган битта фарзандини алоҳида жой ажратилмаган ҳолда ўзи билан поездда олиб кетиши мумкин. Агар иккинчи фарзанди ҳам 5 ёшгача бўлса, тариф нархидан 50% чегирма орқали жой ажратилган ҳолда олиб кетиши мумкин. 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларга ҳам тариф нархидан 50% чегирма берилади.

манба: uzrailpass.uz